

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ

Ўзбекистон ССР педагогика жамияти Жиззах область
булими Жиззах давлат педагогика институти

Ўрта мактабда
Эргаш Жуманбулбул ўғлининг
ҳаёти ва ижодини ўрганиш

Тошкент — 1988

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИАОРИЯ МИНИСТРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПЕДАГОГИКА ХАМИЯТИ ХИЗЗАХ ОБЛАСТЪ БУЛИМИ
ХИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЎРТА МАҚТАБДА ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎГЛИНИНГ
ХАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

(Университет ва пединститутларнинг филология
факультетлари студентлари учун ўқув-методик
тавсиянома)

Тузувчилар: САИДОВ М.С. – филология фанлари
доктори, профессор
ЖУМАНАЗАРОВ У. – филология фан-
лари кандидати

Масъул муҳаррир – О.МАДАЕВ, фило-
логия фанлари кандидати,
доцент

Тақризчилар: – У.ДОЛИМОВ, М.ҚОДИ-
РОВ, филология фанлари
кандидатлари, доцентлар.

Подписано к печати 5.12.87р — Заказ № 028
Тираж 500 экз. Объем 3 п. л. Формат бумаги
60×84 1/16.

Отпечатано на ротарните в типографии ТашГУ
им. В. И. Ленина.
Адрес: 700095, г. Ташкент, ГСП, Вузгородок, ТашГУ.

Ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш унинг ахтимоий-сиёсий, айни пайтда, эстетик қарамларини ҳам ўрганиш демакдир. Ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижодини ушбу масалаларга эътибор бериб ўрганилгандагина, унинг ижодий фаолиятига хос хусусиятлар, традиция ва новаторлик, ижодий ҳамкорлик масалалари тўғри аниқлаб олинади. Шунинг учун кейинги йилларда республикада ўқишлар ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда ёзувчи ёки шоирлар ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган бир қатор илмий-назарий ва ўқув-методик қўлланмалар, монография ҳамда мақолалар яратилди. Хусусан, С.Долимовнинг "5-синф Ватан адабиёти" хрестоматияси учун методик қўлланма", А.Зунунов ва Р.Усмоновларнинг "7-синф "Ватан адабиёти" дарс-дик-хрестоматияси учун методик қўлланма", С.Акмалованинг "4-7-синфларда шеърӣ асарларни ўрганиш", Қ. Аҳмедовнинг "Ҳамза Ҳакимзодаанинг "Ёй ила хизматчи" драмасини ўрганиш", А.Муминованинг "9-синфда С.Айниининг "Қуллар" романини ўрганиш тақрибасидан", И.Сувонқуловнинг "9-синфда Эргаш Ҳуманбулбул ўғлининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш", У.Салоҳиддиновнинг "10-синфда Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижодини ўрганиш", К.Жўраевнинг "Мактабда Ойбек ижодини ўрганиш", А.Зуннуновнинг "10-синфларда Ғ.Ғулом ҳаёти ва ижодини ўрганиш", А.Исмаиловнинг "Мактабда А.Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш", А.Ҳасанова ва А.Зуннуновларнинг "Мактабда А.Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш", А.Зуннуновнинг "Мактабда Ғ.Ғулом ҳаёти ва ижодини ўрганиш" сингари кўчгина илмий-методик характердаги китоблар мактабларда шеърӣ ва прозаик асарларни, ёзувчи ёки шоирнинг

ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишда ўқитувчилар учун асосий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

Маълумки, ўрта мактабнинг ўқув программасига профессионал халқ бахши-шайрларидан бири Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳаёти ва ижоди ҳам асосий тема сифатида киритилган. Жумладан, бошланғич синф ўқув программасида - III-синфнинг "Ўқиш китоби"да шайрнинг "Ўртоқ Ленин" асаридан берилган кичик парчага I соат, 9-синф ўқув программаси - "Ватан адабиёти"да шайрнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда "Ўртоқ Ленин" асарини ўрганишга 3 соат дарс маҳсулооти ажратилган. "Ўрта мактабда Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш" деб номланган ушбу илмий-назарий ва ўқув-методик тавсиянома талантли бахши Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини, бошланғич, ҳамда юқори синфларда ўтиладиган "Ўртоқ Ленин" асарини ўрганиш масаласига бағишланади. Ушбу тавсиянома университет ва пединститутларнинг филология факультети студентларига педагогик практика жараёнида сеvimли шайримиз ҳаёти ва ижодини ўтишларида ёрдам беради, деган умидчамиз.

III-СИНҒДА "ЎРТОҚ ЛЕНИН" АСАРИНИ ЎРГАНИШ

III-синфда ўтиладиган – "Ўртоқ Ленин" асарида берилган кичик парчага бағишланган I соатлик дарсни қўидагича планлаштириш мумкин:

Дарснинг материаллари. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг "Ўртоқ Ленин" асари, шоирнинг ва доҳий В.И.Лениннинг портрети.

Дарснинг мақсади. В.И.Ленин меҳнаткашларининг улуг доҳийси эканлигини ўқувчиларга тушунтириш. Ифодали ўқитишга ўргатиш.

Дарснинг бориши. Кириш суҳбати давомида бутун дунё пролетарларининг улуг доҳийси В.И.Ленин портретини кўрсатиб, улардан В.И.Ленин ҳаёти ҳақида нималар билишлари ва қандай китобларни ўқиганликлари сўралади. Сўнгра "Ўртоқ Ленин" асарида олинган парча юзасидан суҳбат ўтказилади.

Ўқитувчи ушбу темага бағишланган бир соатлик дарсни бошлаш жараёнидан олдин синф ўқувчиларига "Ўртоқ Лениннинг ўзи ким?" – деган савол билан мурожаат этади. Ҳар қандай бошланғич синф ўқувчиси, ҳар қандай кичик ёшдаги бола ҳаёлига келадиган ана шу саволга ўқитувчи батафсил жавоб бергач, бевосита ўзбек совет адабиётида В.И.Ленин образи биринчи Эргаш шоирнинг "Ўртоқ Ленин" асарида ёритилган деб таъкидлаш зарур ва ана шу асардан қўидаги парчани ўқиб олиш зарур:

Ўртоқ Ленин ҳар бир сўзин,

Бир дoston қилмоқ керак,

Айтган сўзин раҳбар қилиб,

Йулга равон қилмоқ керак...

Эргаш шоирнинг "Ўртоқ Ленин" асари ҳақида ўқитувчи ўқувчиларга маълумот бераётганида, Лениннинг ёшлик пайтлари, унинг илмга чанқоқлиги, халқни ҳабр-зулмдан озод этишга астойдил

бад боғлаганлиги, янги ҳаёт барпо этиш учун марксистик таълим билан тинмай қуролланганлиги ва натижада буюк назариятчи бўлиб етишганлиги оддий ва равои, тушунарли қилиб ҳақон қилиб беради. Сўнгра асардан келтирилган қуйидаги парчага мисол қилиб келтириш ҳам мумкин:

Ўртоқ Ленин дўстлар дунёга келди,

Уриниб илмга кўп хизмат қилди.

Шушангдек,

Кўп ўилади дўстлар, илми топти,

Илмдан беодад билимни топти.

Бу мисраларни тинглаётган ўқувчи илмда гап кўплигини, билим-сиа бирни, билимли киши эса мингни енгганини тушунади. Бу ўринда ўқитувчи оилаварни илм-маърифатга муҳаббат қўйишини, уни пухта эгаллаб олиш зарурлиги ҳақида гапариб, шоярнинг ёшлик чоғида илми қандай ўзлаштириб олганлиги ҳақида қуйидаги эпизодни ҳам қўшимча адабиёт сифатида келтириш мумкин. (2-синфда эски мактаб темаси бор.)

Мулла битиб берди "алиф"ман "бе"ни,

Ўшгача ўқидим "бе" билан "те"ни,

Кечгача ўқидим "жим" билан "се"ни

Қувоним уйимга қайтган кунларим.

Ўн иккида бўлдим бир мулла бачча,

Ҳавас қилиб мени кўрса бир неча,

Илмга хизмат қиб кундузи кеча,

Сабоқларни такрор қилган кунларим.

Доҳийнинг кимлигини, ёшлик чоғларидаги фаолиятини ўқувчилар онгига сингдиришда фақат дарсликда берилган асарнинг парчасидан чегараланиб қолмасдан, ўқитувчи қўшимча адабиётлардан фойдаланиши ҳам мумкин. Масалан, ўқувчилар В.И.Лениннинг ёшлиги,

ҳаёти ва ижодии тасвирловчи китоблар, альбом ва ҳужжатлар билан танишсалар доҳий ҳақидаги тасаввурлари янада кенгайиши табиийдир. Бу эса шу синфдаги "Лениннинг ёшлиги", "Ульяновлар oilаси", "Октябрь" каби темаларини ўтганида ўқувчиларнинг бу темаларни яхши ўзлаштириб олишларида катта ижобий таъсир кўрсатадилар.

В.И.Лениннинг доно ишларни, Октябрь революциясининг моҳиятини ўқитувчи ўқувчилар онгига ёшликданок, айниқса, бошланғич синфлардаёқ сингдирмоғи лозим. Бу бора^{да} яна "Ўртоқ Ленин" асари ўқитувчига жуда қўл келади. Чунки, Эргаш шоир ўқувчиларни Лениндек улуг эотни ҳурматлашга, унинг доно маслаҳатларини доимо ёдда сақлашга чақиради. Шунинг учун ўқитувчи қуйидаги парчаларни кенгрок тушунтирган ҳолда ифодали ўқиб берса янада фойда беради:

Ўртоқ Ленин фикри мудом,
Мазлумларни озод этмоқ,
Озод бўлган эллар учун,
Сидқин баён этмоқ керак,
Бечора мазлумлар учун,
Сонсиз жафолар чеккан ул.
Хизмат қилиб унинг руҳин,
Кўп шодмон қилмоқ керак...

Сўнгра, суҳбат давомида ўқитувчи В.И.Ленин ҳақида қисқача гапириб беради: "Доҳий Ленин подшолар замонида яшади. У вақтда камбағал ва бойлар замони эди. Бойлар камбағал халқни ишлатиб, ўзлари ишламас эди. В.И.Ленин ўқимишли, доно ва кўрқмас эди. У камбағалларнинг яхши яшашини ўйлади. Ақлли, ботир кишилардан партия ташкил этади. Ленин ана шу партияни бошқаради.

Шу партия бошчилигида Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди ва бойлар йўқ қилинди. Хукумат камбағаллар, ишчилар ва деҳқонлар қўлига ўтиб, улар энди бировларга эмас, ўзларига ишлайдиган бўлдилар. Шундан буён бизнинг халқимиз тинч ва бахтли яшамокда..."

Ана шундай мазмундаги суҳбатдан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги саволларни беради:

- 1) В.И.Ленин ёшлик чоғида қандай ўқиган?
- 2) В.И.Ленин яшаган давр қандай давр эди?
- 3) В.И.Ленин ишчиларнинг қандай яшашини хоҳлади?
- 4) У қандай ишларни амалга оширди?
- 5) Бизга тинч ва бахтли замонани қим берди?...

Ўқитувчи "Ўртоқ Ленин" асари бўйича I соатлик юқоридаги мазмунда ўтказилган ўқув машғулотини сўнггида ўқувчилар жавобини тўлдариб, суҳбатни якунлайди. Якунловчи сўзларида у Эргаш Хуманбулбул ўғли доҳиймиз В.И.Лениннинг образини яратишга интилиб, унинг халқ бахти-саодати йўлида қилган хизматларини ёратишга муваффақ бўлганини қайд қилади. Ўқувчилар эътибори Совет ҳокимияти барпо бўлгунга қадар ишчилар қандай яшаганлиги ва В.И.Лениннинг меҳнаткашлар ғамхўри, революция раҳбари эканлиги каби жиҳатларига жалб этилади.

Текст устида ишлашда В.И.Лениннинг меҳнаткашлар ғамхўри эканлиги ва революция раҳбари сифатидаги фаолияти ифодаланган мисраларни шеър текстидан мустақил топтирилади ва шу ўринларни қайта ўқиттирилади. Сўнг шеърни барча болалар ичдан ўқиш, I-2 та болага эса мазмунини яънисидан қисқача қайта ҳикоя қилишга тайёрланиш топширилади.

Ўқитувчи дарсни якунлагач, ўқувчиларга янги темадан олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида уйда мустақил иш бажариб

илиш учун куйидаги топирикларни бериш мақсадга мувофиқдир:

1. "Ўртоқ Ленин" асаридан берилган парчани ўқиш ёки қисман
ид олиш.

2. Текстда учраган: дoston, эиёд, қул, сиёх, матоли, инкилоб,
йулдош каби сўзларни лугат дафтарларига кўчириш.

3. "Ўртоқ Ленин" асари мазмуни асосида "Ўтмишдаги ва ҳозир-
ги ҳаёт" темасида оғзаки ҳикоя тузиб келиш.

ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎГЛИНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ

ЎРГАНИШ

(I-соат дарс материали)

Биринчи соат дарс машғулотни куйидаги план асосида ўткази-
лади:

1) Эргаш Жуманбулбул ўглининг ўзбек фольклорида тутган
ўрни ва роли.

2) Эргаш шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида умумий маълумот:

а) ёшлик ва ўқиш йиллари.

б) шоир ижодининг юксалишига Қўрғон дostonчилиқ мак-
табининг ижодий таъсири.

в) шоир куйлаган дoston ва термаларнинг ғоявий-бадий
тематикаси.

Ушбу план асосида олиб бориладиган I-дарс материали ўқитув-
чининг лекцияси орқали ўтказилади. Лекция жараёнида халқ оғза-
ки ижодидаги айрим сўз ва терминларга изоҳ бериб боради. Ўқи-
тувчининг лекцияси куйидаги мазмунда бўлади: Эргаш Жуманбулбул
ўгли ўзбек фольклорининг устоз куйчиси ва бахшисидир. У юксак
халқчил ва бадий гўзал эпик асарларни ўз хотирасида сақлаб
келган ва уларни ўзига хос услубда куйлаб тингловчи - китоб-
хонга етказган, ўз асарларида совет воқелигини тараннум этиб,

мамлакатимизда социализм кураш ишига фаол қатнашган чинакам халқ шоирдир.

Эргаш Жуманбулбул ўғли 1868 йилда Қўрғон қишлоғида (ҳозирги Нурота район Жўш қишлоқ Совети) деҳқон-шоирлар oilасида туғилди. Унинг отаси Жуманбулбул ҳам шоир бўлиб, халқ орасида "Еулбул" тахаллуси билан машҳур эди. Ўзбек совет фольклористикаси фанининг асосчиси, профессор Ҳодя Тиллаевич Зариповнинг маълумот беришича, Эргаш шоирнинг етти отасига қадар шоир ўтган. Бу ҳол Қўрғон қишлоғидаги адабий анъананинг жуда кучли ва изчиллиги билан боғлиқ бўлган, албатта. Эргаш шоирнинг ўзи ҳам бунга тасдиқлагани ҳолда ўз таржиман ҳолида бешинчи отасига қадар санаб ўтади:

Бешинчи отамнинг отидир Ёдгор,
Шу вақтда элида сўзга эътибор,
Ҳар ерда ўтказиб юрган сўзини
Чечанликда ҳеч ким бўлмай баробар.

Тўртинчи отамнинг отидир Лапёс,
Шоирликда унга ҳеч кам тенг эмас.
Ўз вақтида сўзин элдан ўтқариб,
Тўйларда, ўланда гапни ўйламас.

Учинчи отамнинг оти Мулла Тош,
Мулла тошнинг сўзи ҳар ердадур чаш,
Шу замоннинг бориб турган доноси,
Ўзи оқил экан соҳиби кенгаш.

Мулла Ҳолмуроддир Бобомнинг оти,
Шу замонда чечанларнинг устоди,
Булар ган бобида сўзнинг деҳқони,
Чечан бўлган бунинг қанча авлоди.

Мулла Холмуроддан учта ул қолган,
Учқови ҳам катта шоирлар бўлган,
Жош Узоқ шоир дейди каттасин отин,
Шоирликда кўп шогирдлар чиқарган.

Уртанчасин оти Ёрлоқаб бўлган,
Чечанликда тани оўз билан тўлган,
Ул Жош Узоқдан баланд бўлиб ўтганди,
Тамом умри элга шоирлик қилган.

Кичик ўғлининг Жуманбулбулдар оти,
Ўз вақтда шоирларнинг устоди,
Ҳар қандай тўй бўлса, катта йиғинда,
Ҳамма элга писанд бўлган абёти...

Кўринадики, Кўрғон қишлоғида ўзига хос дostonчилик мактаби бўлиб, Эргаш шоирнинг юзорида номлари келтирилган бешта отасидан ташқари, юмолари Султон кампир, Тилло кампир, шунингдек, Қулсамад бахши, Жолмон бахши, Худойназар бахши ва бошқа талаётли илодкорлар шу мактабнинг етакчи вакилларидир. Улар тез-тез йиғилиб туришар, дostonлар қуйлашар эди. Ана шу шоирлар таъсирида Эргашнинг поэтик таланти шакллана бошлади.

Ўзи саводсиз бўлган Жуманбулбул ўғли Эргашнинг ўқиб, билим олишига катта аҳамият берди. 1875 йилда уни қишлоқдаги мактабга – ўз замонасининг ялғор маърифатпарвари Мулла Утамурод қўлига топширди. 1884–85 йилларда у Бухоро мадрасасида тахсил кўриб, бу ерда араб ва форс тилларини пухта ўрганди, ҳуснихат машқ қилди. Алишер Навоий, Ғофий, Бедил, Машраб, Махтумқули асарларини тинмай мутасалаа қилди. Бироқ моддий қийинчилик Эргашнинг ўқилиши давом эттиришига имкон бермади.

1886 йилда отаси Ҳуманбулбул вафот этиб, саккиз жондан иборат оилани теоратиш Эргаш зиммасига тушди. Бунинг устига кутилмаган меросхўрлар ва даъвогарлар чиқиб, Эргашнинг бор-йўғини шийиб оладилар. Молдий жиҳатдан ниҳоятда қийналган Эргаш бу мусибатларни ўз "Таршимай ҳол"ида шундай тасвирлаган эди:

Катта рўзғор эди, қолди ўзима,
Қулоқ сонг, ёронлар, айтган сўзима,
Кўи одамлар мункир келяб тузима,
Томир-тувгон душман бўлган кунларим.

Бор кунимда бари менга келганлар,
Топганимда ошу ноним еганлар,
"Сенга бизлар жуда дўстимиз" деганлар,
Ҳаммалари душман бўлган кунларим.

Бўлиб-бўлиб олиб кетди ҳақини,
Биз билмаймиз ҳақи бор ё йўғини.
Зоте ё олисми, бизга яқини,
Барига ҳақ бериб турган кунларим.

Бари ҳақин олди, бўддик биз қашшоқ,
Топмадик минмакка бирорта эшак,
Бизда молдан қолмай ич тугул пишак,
Бир гадоёй-яланғоч бўлган кунларим...

Эргаш шоир жуда оғир шароитда яшар экан, уни бу аҳволдан қутқариш мақсадида қайнатаси - ўзининг мактаб устоди Утамурод унга солиқ йиғувчиларга котиблик вазифасига қўяди. Икки йил шу вазифада ишлаган Эргаш маҳаллий амалдорларнинг меҳнаткаш халққа ўтказиётган зулмини ўз кўзи билан кўрди ва бу жонкор билан

ишлагани ўзига номус деб билиб котиблик вазифасидан воз кечди, яна деҳқончилик билан шуғулланди. Айни замонда амакилари ва бошқа халқ шоирларидан дoston ва термалар ўрганишни давом эттириб, чинакам шоир – дostonчи бўлиб етишди. У Октябрь инқилоби ғалабасидан олдинги даврда "Қунтуғмуш", "Якка Аҳмад", "Далли", "Равшанхон", "Қундуз билан Юлдуз", "Хушкелди", "Холдорхон" каби ўнлаб традицион халқ дostonларини эл орасида куйлаб ўрди.

Улуғ Октябрь инқилобининг оламшумул ғалабаси асрлар бўйи озодлик, бахтли ҳаёт ораусини куйлаб келган халқ шоирлари учун битмас-туганмас ижод манбаи бўлди. Улуғ Октябрь, совет тузуми Эргаш шоир ижодининг юксалиши учун кенг йўл очиб берди. Ҳозир-заваб шоир революция моҳиятини, Коммунистик партиянинг доно йўлини, доҳий Лениннинг йўлбошчилиқ фаолиятини ва ўлмас хизматини ўз вақтида тўғри тушуна олди.

Бунинг сабаби шунда эдики, Улуғ Октябрь инқилоби инсоният тарихида биринчи марта капиталистик тузумга қатъатқич зарба бериб, меҳнатқаш халқ ҳукмронлиги даврини бошлаб берди. Ўз мазмун эътибори билан давлатнинг янги типи – пролетариат диктатурасини ўрнатди. Тинчлик, фаровонлик, тенг ҳуқуқлик ва халқлар дўстлигининг буюқ гоёларини ишлаб чиқди: ва уни амалга оширди. Улуғ Октябрь шарофати билан рўй берган бундай ижтимоий-сиёсий ҳодиса ҳукмрон синф вакилларининг таъкиб ва таъзияқи остида асрлар давомида инграб ётган минг-минглаб халқ талантларининг ўсиши ва камол топиши учун катта имконият тугдириб берди. Зеро, М.И.Калининнинг халқ оғзаки ижодининг ўша даврини характерлаб, "...халқ ижодида халқлар худди озод мамлакатнинг ёрқин куёши нурларига қоронғи зиндондан отилиб чиққандек, эркин ҳаётнинг шодлигини куйлаб гоёят зўр куч билан талантларни намоён қилмоқдалар" деб таъкидлаган фикри маданий ҳаётда тўла тасдиқланди.

Дарҳақиқат, кундалик ижтимоий ҳаётда рӯй бераётган ҳар бир воқеа-ҳодисага ўз муносабатини ҳозирж воблик билан биддирган Эргаш шоир ижодада Октябрь ва Ленин мавзун етакчи Урияни ағал-лада. Шоирнинг "Октябрь", "Қизил", "Шуро", "Ўртоқ Ленинга офарин" каби термалари ва "Ўртоқ Ленин" тарихий кўшиғи фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Эргаш шоир "Октябрь" термасида душманлар дилини қон қилиб, ер билан яксон этган, меҳнаткаш халқни озод ва қувноқ турмушга эраштирган, халқимизга илм, маърифат берган Ёшқ Октябрь инқилоби, деб билади ва шундай куйлайди:

Ўз элни шодмон айлаган,
Куддириб, хурсанд айлаган,
Душман дилин қон айлаган,
Ер билан яксон айлаган.
Тарафсиз полвон Октябрь,
Ёш болага илм ургатган Октябрь,
Билимсиэга йўл кўрсатган Октябрь,
Нодонларни доно этган Октябрь,
Яхшиликнинг йўлини тутган Октябрь

Шоирнинг "Ўртоқ Ленинга офарин" термаси поэтик ҳужжат сифатида ҳам қимматлидир. Унда дохиймиз В.И.Ленин – Улуғ Октябрь инқилобининг раҳбари, Коммунистик партия ва Шуро ҳукуматининг йўлбошичиси ва дохийси, Октябрь эса мамлакатда подшолик тузумини емириб, шуролар ҳукуматини барпо этган қудратли куч сифатида тараннум этилади.

Улуғ Октябрь инқилобини зўр хурсандчилик билан кутиб олган Эргаш шоир Бухоро амирлигини тарк этиб, Самарқанд областига келди. 1918–1922 йиллар мобайлида Ургут, Панжикент, Булунгур,

Иштиқургон (Ғаллаорол) районларидаги қишлоқларда бўлди. 1923 йилда шоир ўз қишлоғига қайтиб келди ва 1924 йилда қишлоқ болалари учун мактаб очди. 1925 йилда шоир репертуаридаги дostonларни ёзиб олиш учун Ўзбекистон ССР халқ маорифи комиссарлиги Илмий шўбасига таклиф этилади. 1926 йилдан бошлаб у ўзи билган dostonларни ёздириб ва ёзиб қолдиришга киришди.

Совет даврида Эргаш шоирнинг "Ўртоқ Ленин" "Таржимаи ҳол", "Охунбобоев", "Шоирларга раҳбар Ҳоди", "Турсуной", "Эшон" каби поэтик асарларини ижод этди. Бу асарларнинг ўзбек унинг кундалик ижтимоий ҳаётдаги содир бўлган воқеаларга ҳозиржаноблик билан муносабат билдирган шоир эканлигидан даяҳлат берди.

Эргаш шоир 1929-36 йилларда ўз она қишлоғи Қўргонда яшайди ва ижод билан машғул бўлади. Достончиликда ўнлаб шоғирдлар тайёрлайди. 1936 йилнинг охирида шоир профессор Ҳоди Зарипов таклифига кўра Тошкентга келади ва шу ерда 1937 йилнинг апрель ойига қадар туради, бир қанча термалар ёзади. "Келдим", "Октябрь", "Ҳайкал таассуроти" каби термалари шулар жумласидандир.

Эргаш шоир 1937 йил 12 майда оғир хасталикдан сўнг ўз қишлоғида 69 ёшида вафот этади.

Ўқитувчи Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида юқоридаги мазмунда берган маълумотини қуйидаги хулосалар билан тугаллайди: Эргаш шоирнинг ҳақиқий ижодий таланти совет даврида камол топди, халқ орасида сенимли бахти, оғзаки ижодининг улкан куйчиси сифатида танилди ва обрў қозонди. У Коммунистик партия йўли энг тўғри ва порлоқ йўл эканлигини, меҳнаткашларни бахт-саодатга эриштирган доҳий В.И. Ленинни, партияни тараннум этди, бутун умрини ва ижодий фаолиятини бахтиёр ва фаровон ҳаётимизнинг равшан топиши учун бағишлади.

Халқ шоири қолдирган мерос – оташин шеърлари, ажойиб дostonлари ўзбек ва рус тилларида қайта-қайта нашр этилмоқда.

Эргаш шоир ижодини пропаганда этиш ва унинг асарларини ёзиб олиш ҳамда нашр этишда халқ орзаки ижодининг катта биам-дони Ҳ.Т.Зарипов (1905–1972) ва у киши асос солган Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт инсти-тути фольклор бўлими ходимларининг хизматлари ниҳоятда катта-дир. Олимлар коллективи томонидан ёзилган "Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни" (Тошкент, 1971) номли тадқиқот, шунинг-дек, бир қатор диссертациялар, монография ва илмий мақолалар отахон халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғли қолдирган меросга бағишлангандир. Шоирнинг уч томлик рус тилидаги "Песни булбуля" (1974, 1977) беш томлик асарлар тўплами – "Булбул тароналари", (1971–1973) шунингдек, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наш-риётида "Ўзбек халқ ижоди" кўп томлик серияси номи остида чоп этилган асарлари китобхонлар қўлидадир.

Ўқитувчи Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳаёти ва ижодини ўрга-ниш бўйича I соатлик иқорадаги мазмунда ўтказилган ўқув машғу-лоти сўнггида ўқувчиларга қуйидаги саволлар бериб муружаат этади:

1. Қўрғон дostonчилик мактаби ва дostonчилик анъанаси ҳақида сўз юритинг?
2. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг Ўзбек дostonчилигига, халқ орзаки ижоди ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида гапиринг?
3. Эргаш шоирнинг ёшлик ва ўқиб фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
4. Эргаш Жуманбулбул ўғли авлодлари ҳақида маълумот беринг?

5. Эргаш шоир Улуғ Октябрь инқилоби ғалабасидан олдинги даврда қандай традицион халқ дostonларини куйлаган? Улардан мисоллар келтиринг?
6. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг В.И.Ленин, Коммунистик партия, Октябрь революцияси ва Совет ҳукумати ҳақида қандай асарлар яратди? Мисоллар келтиринг ва улардан бирор нарчани ёддан айтинг?
7. Совет даврида Эргаш шоир қандай асарлар яратди? Мисоллар келтиринг?
8. Совет даврида яратган дoston ва термаларининг ғоявий-бадий тематикаси ҳақида сўз юритинг?
9. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг нешр этилган асарларидан қайси бирини ўқигансиз?

Ўқитувчи машғулот охирида кўридаги саволларга ўқувчиларнинг берган жавобини тўлдириб, суҳбатни якунлайди. Якунловчи сўзида у Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ўзбек фольклорида ва умуман, ўзбек совет адабиётида доҳий В.И.Ленин образини биринчи бўлиб яратганини таъкидлайди ва "Ўртоқ Ленин" асарини ўқиб келишни уйга мустақил вазифа қилиб топиради. Бунда у ўқиган вақтда асарда тасвирланган воқеаларни пухта ўзлаштириб, В.И.Лениннинг революцион фаолиятида тасвирланган сатрларни аниқлаб олишни, суҳбатга тезис билан пухта тайёрланиб келишни алоҳида ўқтиради.

"ЎРТОҚ ЛЕНИН" АСАРНИНГ ЎРҒАНИШ

(2-соат дарс материали)

Иккинчи соат дарс машғулотини қуйидаги план асосида ўтказилади:

1. "Ўртоқ Ленин" асарининг яратилиши (Ўқитувчининг кириш сўзи).

2. "Ўртоқ Ленин" асарининг жанр мансубиятини аниқлаш (Ўқитувчининг ялмий-назарий типдаги қаскача лекцияси).

3. "Ўртоқ Ленин" асарида В.И.Ленин образи.

4. Меҳнаткам халқнинг озодлакка эришувида В.И.Ленин ва Коммунистик партия раҳбарлигининг афдаланиши.

Ўқитувчи ўзининг кириш сўзида "Ўртоқ Ленин" асарининг яратилиши тарихи ҳақида маълумот беришдан аввал ўқувчиларнинг диққат-эътиборини лекцияга жалб этиш учун уларнинг ғоявий-сиёсий онгини ошириш орқали фикрлаш қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган қуйидаги савол-жавобни ушштириб, тегашли жавоб олишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

Ўқитувчи: - Болалар, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалаба қозонганлигига неча йил тўлади?

Ўқувчи: - Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалаба қозонганлигига бу йил 70 йил тўлди.

Ўқитувчи: - Яхши, мана шу 70 йил ичида мамлакатимизда қандай ўзгаришлар из берди?

Ўқувчилар: - 70 йил ичида мамлакатимизда туб ўзгаришлар бўлди, яъни катта-катта заводлар, фабрикалар ва турли иншоотлар қурилди...

Шу савол-жавобдан сўнг Ўқитувчи ўзининг кириш сўзини қуйидаги мазмунда давом эттириши мумкин: Улуғ Октябрь социалистик революциясини шодлик билан кутиб олган, коммуниотик партияди меҳнаткам халқнинг чинакам ғамхўри ва доҳиймиз В.И.Ленинни Коммунистик партиядининг асосчиси ва раҳнамоси деб билган Эргаш Жуманбулбул ўғли 20-йилларнинг бошларидаёқ В.И.Ленин ҳақида асар яраташга киришади ва кейинчалик бир қатор термалар яратади. 1927 йилда "Ўртоқ Ленин" асарини ижод этади ва бу асарни 1928 йилда фольклорист Ҳ.Зарипов шоирнинг ўзидан ёзиб олади,

"Ўртоқ Ленин" асари 30-йилларда рус тилига таржима қилинади, машҳур совет фольклористи Ю.М. Соколовнинг умр йўлдоши, профессор Динник таржимасида "Правда" газетасининг 1935 йил 15 апрель сониди асардан парча эълон қилинади.

Мазкур асар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 10 йиллигига бағишланган бўлиб, унда В.И.Лениннинг ишлари, партия ва совет ҳукумати ғамхўрлигида совет халқи эришган улкан ютуқлар тараннум этилади.

Ўқитуви шқоридаги ўзининг қариш сўзидан сўнг "Ўртоқ Ленин" асарининг қайси жанрга мансуб эканлигини айтиш учун қуйидаги илмий-назарий маълумотларни берса мақсадга мувофиқ бўлади: Маълумки, илмий адабиётларда, шунингдек олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари, ўрта мактаб ўқув программа ва дарсликларида Эргаш думанбулбул ўғлининг "Ўртоқ Ленин" асари дoston жанрига киритилиб, шу жанр намунаси сифатида ўрганилиб келинмоқда. Лекин кейинги йилларда баъзи тадқиқотчилар уни дoston эмас, балки тарихий қўшиқ жанрига киритиб, унинг типик намунаси сифатида баҳолайдилар. Масалан, Б.Саримсоқов "Халқ дostonларининг таснифи ва оралиқ шакллар масаласи" мақоласида "Ўртоқ Ленин" асарини тарихий қўшиқ жанрига мансублигини қайд этади. "...Эргаш шoirнинг "Ўртоқ Ленин" асари дoston эмас, балки ўзбек фольклориди тарихий қўшиқ жанрининг тўзал, такрорланмас намунаси эканлиги маълум бўлади. Чунки асарда халқ эпосиге хос кенг тармоқли қўламдор изчил сюжет йўқ. Иккинчидан, образ тарихан конкрет, ҳеч қандай бадий тўқимасиз лирик қўҳрамоннинг кечинмалари асосида тасвирланган. Учинчидан, асарда халқ эпосига хос шаклий компонентлар кўзга ташланмайди".¹

А.Қаҳҳоров "Дoston жанри ҳақида" мақоласида Б.Саримсоқов
1. "Ўзбек тили ва адабиёти", 1981, 3-сон, 44-бет.

мулоҳазаларига муносабат билдириб, "Ўртоқ Ленин" ва "Амир қочди" асарлари дoston жанри намуналари эканлигини таъкидлайди; "Бу борада Б.Саримсоқовнинг фикр ва мулоҳазалари жуда ўринли ва табиийдир. Фақат Эргаш Жуманбулбулнинг "Ўртоқ Ленин" ва Холёр Абдукарим ўғлининг "Амир қочди" асарлари ҳақидаги фикрларини яна бир бор ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди. Бу дostonларда анъанавийлик ва коллективлик етакчи ва ҳал этувчи белги бўлиб кўринаяпти. Шунинг учун ҳам замонавий дostonларни, аввало, фольклор асари ва, ниҳоят, дoston жанри деб аташни тақозо қилади".¹

Бу мулоҳазалардан сўнг, "Ўртоқ Ленин" асари дostonми ёки тарихий кўшиқ? Бу поэтик асарни қайси жанр намунаси сифатида баҳолаш мумкин? деган саволларнинг туғилиши табиий, албатта. Биз Б.Саримсоқовнинг мулоҳазаларига тўла қўшилган ҳолда, ушбу дарс машғулотда халқ дostonлари ва тарихий кўшиқларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда улар орасидаги тафовутларни қисқача очибта ва шу жараёнда "Ўртоқ Ленин" асари мансуб бўлган жанрни ойдинлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Дoston жанридаги асарларнинг сюжети ва композицион қурилиши тарихий кўшиқларнинг шу хусусиятларидан анча мураккаб. Бу мураккаблик, энг аввало, дostonларга мос бўлган воқеа-ҳодисалар ёки эпик қаҳрамон фаолиятининг турли қирралари кенг кўламдорликда бадиий тасвирлаб берилишида кўринади. Шу боисдан ҳам ижодкор ундаги воқеа-ҳодисалар ёки эпик қаҳрамон фаолиятини мумкин қадар атрофлича ва бутун қарама-қаршиликлари билан тўлақ эпик баён қила оlish имкониятига эга. Тарихий кўшиқларда эса ижодкор бундай кенг имкониятларга эга эмас.

1. "Ўзбек тили ва адабиёти", 1981, 6-сон, 40-бет.

"Достонларда тарихий воқелик халқ фантазияси асосида умумлашган образларда ўз ифодасини топади. Унда умумлаштиришнинг ўзига хос формаси - эпик умумлаштириш ҳукмронлик қилади. Бундай умумлаштириш халқнинг ижтимоий адолат ҳақидаги идеаллари ва орзу-умидлари билан йўғрилган. Демак, достонда эпиклик, монументаллик хос бўлиб, композицион ва сюжет қурилиши жиҳатидан мураккаб воқеа-ҳодисаларни қамраб олади. Бундай воқеа-ҳодисалар мазмунан қаҳрамонлик характериға эга бўлиб, улар якка шахс - халқ идеалидаги баҳодир атрофиға бирлаштирилади. Ғавқулодда куч-қудратға эга бўлган бундай якка шахсларда бутун бир халқнинг орзу-умидлари, имконият ва интилишлари муҳассамлашган"¹. Тасвирға олинган воқеанинг фақат кўламдорлиги эмас, балки бадий-тасвирий восита ва усулларининг системаси, муболага ва ташбиҳлар, тафсилотли тасвирлар, ҳодиса ва манзараларнинг сокин ва тантанавор оқими ҳам эпосда улугворлик ва дунёвий қамров таассуротини тўғдиради².

Бундан ташқари, достонларда ғавқулодда ғайри-ғоявий куч-қудратға эга бўлган эпик қаҳрамон фаолиятини очишда хизмат қиладиган, достон сюжети ва композицияси билан бевосита узвий боғланган ўткинчи персонажлар ҳамда қаҳрамонлар сони кўп бўлади. Достонлардаги эпик қаҳрамон, асосан ўз мақсад ва интилишларига етишиш учун бир неча тўсиқлар билан курашади ва улар устидан ғалаба қозонади; шу кураш процессида қаҳрамон фаолияти ва характерининг шакллана бориши тўлиқ бирин-кетин кўрсатилиб борилади. Достон жанриға хос бу хусусиятларнинг бирортаси ҳам тарихий қўшиқ жанридаги поэтик асарларда кўзға ташланмайди.

1. Ҳ.Раззоқов, Т.Мирзаев, О.Собиров, К.Имомов. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент, "Ўқитувчи" нашриёти, 188-бет.

2. "Адабиёт назарияси", II-томча, II-том, Тошкент: 1979, 193-194-бетлар.

Тарихий кўшиқларда эпик қаҳрамон энг аввало, кучли ғайри-табiiй жисмоний куч-қудратга эга бўлган ва идеаллаштирилган якка шахс эмас, балки халқ ҳаётида ўчмас из қолдирган конкрет тарихий шахслар.

Тарихий кўшиқларда реал шахс фаолияти халқ фантазияси асосида бўрттириб берилмаслигининг бош сабаби шуки, ишқорнинг бу кўшиқларга турмуш ва ҳаётдаги конкрет тарихий шахсларни асосий объект сифатида олиши ва улар фаолиятини халқ фантазияси асосида бадиий тўқималар билан эпик баён қилиб беришга ҳеч қандай эҳтиёж йўқлигидир. Тарихий кўшиқларда ана шу шахс фаолияти бошланғич процессидан тортиб охиригача нуктасигача эмас, балки унинг айрим эпизодлик қирраларига эпик формада ҳикоя қилинади.

Шу мулоҳазалар асосида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг "Ўртоқ Ленин" асарига диққатни жалб этсак, у тарихий кўшиқларнинг типик намунаси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Кўшиқда Улуғ Октябрь инқилобига қадар мавжуд синфий қарама-қаршиликлар, зулм ва адолатсизликка асосланган ўтмиш жамиятнинг реакцион моҳияти ҳаққоний очиқ берилади. Октябрь инқилобининг эзилган меҳнаткаш халқ учун оламшумул аҳамияти, бу инқилобни тайёрлаш ва амалга оширишда доҳий В.И. Лениннинг революцион фаолияти ва матонати кўтаринки руҳ билан мадҳ этилади. "Ўртоқ Ленин" тарихий кўшиғининг бошланишида, даставвал, бераҳм, инсофсиз бой, қози, судхўр ва Николай подшонинг образлари бирин-кетин кўз олдимиздан ўтади. Шоир конкрет ҳаётий фактлар асосида ҳоким табақаларнинг халқ бошига солган зулм ва кулфатларини, адолатсизлик ва даҳшатларни, уларнинг кайфу-сафоси, айш-ишратлари соф виждонли кишиларни оч ва яланғоч қўйиш, шафқатсиз эзиш ҳисобига бўлганлигини катта маҳорат билан эпик формада баён қилади. Халқ бахшиси дoston сюжетига конкрет тарихий фактларни ва ўзи шахсан

иштирок қилган. Ўз кўзи билан кўрган муайян тарахий воқеаларни асос қилиб олади; реал ҳаётда содир бўлган тарахий фактларга танқидий кўз билан қараб, тўғри ва ҳаққоний қилиб тасвирлаб беради. Шу билан бирга ўтмишдаги маҳаллий эксплуататор синф вакиллари (масалан, мингбоши, қози ва эшонлар)нинг меҳнаткаш халққа ўтказган турли хил хабр-аулмларини бирма-бир санаб, эксплуататор синф вакиллариининг характериға хос хусусиятларини реал ҳамда ҳаққоний равишда кўрсатиб беради.

Кўшиқда доҳийнинг халоскорлик ғазилати очиб берилиши жараёнида революцион ғаолиятининг бошланишиға сабаб бўлган асосий омиллар ҳаққоний бадий акс эттирилади: шоир Лениндаги революцион кайфият инсоннинг инсон томонидан азилишиға, ижодкор халқ томонидан бунёд этилган жамияки моддий ва маданий бойликларнинг озчилик томонидан ўзлаштирилишиға бефарқ қараб турмаслик натижасида келиб чиққан деб тўғри кўрсатади:

...Ленин ўртоқ кўрса, меҳнат, бу ёқда,
Меҳнатнинг фойдаси — роҳат у ёқда...¹

Шундан сўнг, В.И.Ленин антагонистик жамиятнинг реакцион моҳиятини атрофлича ўрганади, мазлум халқларни озод ва бахтиёр қилувчи янги демократик тузумни ўрнатиш йўлларини чадам билан ўйлади ва фақат инқилоб воситаси билангина инсониятнинг олий мақсадларини рўёбға чиқариш мумкин, деган қатъий қарорга келади. Эргаш шоир буни ярак-яракдан идрок қилиб, назмда уларни қуйидагича баён қилади:

Ленин ўртоқ ўйлади, кўп ўйлади,
Бир нечаға замонани сўзлади.

1. Эргаш Жуманбулбул ўғли. "Ўртоқ Ленин", Тошкент, ЎзССР "Фан" нашриёти, 1979, 17-бет. (Бундан кейинги мисоллар ушбу мандадан олинади ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

- Қачонгача оқар, - деди, - кўз ёшлар, -

Инқилобга белин маҳкам боғлади. (33-бет)

Қаҳрамонни курашга отлантирган сабабнинг социал моҳиятини ва унинг умумбашарий аҳамиятини тўғри мадҳ этади. Ўзир Ленин образини бадиий тавдалантирар экан, кўпроқ унга хос ички маънавий фазилатларни ёритишга интилади. Қўшиқда Ленин социалистик революция назариясининг улкан ижодкори сифатида юкори баҳоланади. Духийдаги голибона кучнинг манбаи - унинг ўз орқасидан меҳнаткаш халқни эргаштириб, уларга инқилобий ғояларни сингдира олганлигини қўшиқ тилига монанд содда, мазмундор мисралар орқали эпик формада изоҳлаб боради:

Комил бўлиб, элга кўп аралашди,

Иш ўргатиб, бир нечага ёрлашди.

Оч-ориқнинг холин кўриб, раҳм этиб,

Камбағалга, муҳтожга ҳамдамлашди. (16-бет).

Достон жанри поэтикасига хос етакчи хусусиятлардан бири - шаклий компонентлар - наср ва назмдаги сюжет парчаларининг ўзаро ўрин алмашиниб келиш ҳолатларидир. Бу хусусият тарихий қўшиқ жанри поэтикасига хос эмас. "Ўртоқ Ленин" асарида фақат шеърый шаклнинг бўлиши ҳам тарихий қўшиқ жанри поэтикасининг талабларига тўла мос келади. Демак, достон поэтикаси тарихий қўшиқ поэтикасига тамомла аиддир. "Бу қарама-қаршилик яна бошқа бир ҳолатда - образлар яратиш усулида, воқеаларни типиклаштириш принципида ҳам яққол кўзга ташланади. Маълумки, достондаги эпик қаҳрамонларнинг образлари "эпос дунёсида" идеаллаштирилади. Уларда эпик қаҳрамоннинг қурол-яроғи, кийим-кечаги, оти, ташқи кўриши батафсил тасвирланади ва баён қилинади. Эпосдаги бош эпик қаҳрамонлар идеал характерга эга бўлиб, мустақил ҳаёт кечиради,

эпосдан-эпосга кўчиб юради"¹. Эпосдаги қаҳрамон фаолиятини бундай кенг эпик масштабда тасвирлаш приёми тарихий қўшиқларда, хусусан, Эргаш шоирнинг "Ўртоқ Ленин" асарида кўзга ташланмайди. Бу асардаги В.И.Ленин образи халқ достонларидаги эпик қаҳрамонлар сингари ғайри-табиий жисмоний кучларга эга бўлган, ҳар қандай машаққат ёки тўсиқларни фақат бир ўзи бартараф эта оладиган ва ижодкор томонидан кучли идеаллаштирилган образ эмас. Ёки бу қаҳрамон ўтмишда жабрланган ва ҳўрланган жафокаш халқни ижтимоий адолатсизликдан қутқаришда порлоқ йўлга - нурафшон ҳаётга олиб чиқишда халқ достонларидаги эпик қаҳрамонлар сингари қандайдир сеҳрли тулпор отга ёки кескир исфаҳон қиличига суяниб курашга кирмайди. У энг аввало, синфий тенгсизлик ва адолатсизлик сабабларини илмий тарзда чуқур ва мукаммал ўрганиб чиқади; инқилобий ҳаракатлар планини синчиклаб тузади. Сўнгра кишилар - ижодкор халқ билан узвий алоқа боғлаб, зулм дийдаларни ўз атрофига тўплайди:

...Ҳар ерлардан хабар олди: "Қимлар бор?"

Чиқа берди: - "Биз боримиз!" - деб не эрлар. (34-бет)

Шундан кейингина эксплуатацияга асосланган ижтимоий тузумни ағдариб, унинг ўрнига социалистик жамият барпо қилиш учун меҳнаткаш халқ куч-қудратига таяниб "Инқилобга бедин маҳкам боғлади".

Қўшиқда Эргаш шоир В.И.Лениннинг етук революционер бўлиб етишганига қадар тинмай ўқигани, ўргангани ҳақида ҳам сўз юртади, сўнгра уни жафокаш халқ учун "текис, кенг бир йўл солган", эзилган мазлумларга бош раҳбар бўлган халқ қаҳрамони сифатида мадҳ этади.

1. Д.М.Балашов. Народные баллады, М.-Л.1963, с.13. (Бу цитата куйидаги китобдан олинди: Қаранг: М.Иброҳимов. Ўзбек балладаси. Тошкент, 1974, 37-бет).

Ленин энди инқилобга бош бўлди,
Ленин сўзи ҳаммага кенгаш бўлди.
Ҳар сўзидан минг маънони топган сўнг,
Ленин номибуларга йўлдош бўлди. (34-бет).

Сўнгга, Эргаш шоир Лениндаги олиёжаноб ғазилатларни, донишмандликни, тафаккур ва муҳокаманинг чексизлигини тўғри тушунган ҳолда мадҳ этади: доҳийдаги улуғворлик, келажакни олдиндан билишлик, айна вақтда аса унга хос бўлган камтарлик ва самимийликни ҳаётий мисраларда тўлиб-тошиб қуйлайди. Буларнинг ҳаммаси Эргаш шоирнинг В.И.Ленин образини яратишда реалистик поэзияда туриб, доҳийга хос ҳарактер – хислатларни ҳаққоний қилиб бадиий акс эттириб берганлигидан далолат бера олади.

Қўшиқ доҳий В.И.Ленинга садоқатли бўлишга, унинг васиятларини оғишмай амалга оширишга даъват этиш билан якунланади:

Хизмат қилиб, унинг руҳини,
Қўп шодмон қилмоқ керак,
Айтган сўзин раҳбар қилиб,
Йўлга равон бўлмоқ керак. (35-бет).

Кўринадики, шоир ўзбек меҳнаткашларининг ўтмишда кечирган оғир ҳаётларини ҳикоя қилиш ва оламшумул ютуқларни қўлга киритишда В.И.Ленин кўрсатган жонбозликларни тасвирлаш-бадиий тасвирлаш билан чекланиб қолмайди. У озодликка чиққан ва бахтли ҳаётга эришган янги замон кишилари олдида улкан вазифалар турганлигини яхши англайди ва уларни тараққиётнинг кейинги босқичларида шараф билан бажаришга даъват этади.

Ана шундай лекция текстидан сўнг мавзуни мустаҳкамлаш учун ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги саволларни беради:

1. "Ўртоқ Ленин" асарини фольклор жанрларининг қайси бирига мансуб дейиш мумкин?

2. Достон ва тарихий кўшиқ жанри ўртасида қандай фарқли хусусиятлар мавжуд?
3. "Ўртоқ Ленин" асаридаги доҳий образ ҳақида ким гапириб беради?
4. Эргаш Жуманбулбул ўтмиш даврда кўрган, билганлари ҳақида нима дейди?
5. Доҳий В.И.Лениннинг революцион фаолияти ҳақида шоир нималар дейди?
6. В.И.Ленин ёшлик чоғида қандай ўқиган ва қайси даврда яшаган?
7. В.И.Ленин меҳнаткаш халқнинг қандай яшашини хоҳлади?
8. У қандай ишларни амалга оширди? Бу ҳақда Эргаш Жуманбулбул ўғли нималар дейди?
9. Бизга тинч ва бахтли замонани ким берди?...

Ўқитувчи "Ўртоқ Ленин" асарини ўрганиш бўйича I соатлик ўқоридаги мазмунда ўтказилган ўқув машғулоти сўнггида ўқувчилар жавобини тўлдириб, суҳбатни якунлайди. Якунловчи сўзида у Эргаш Жуманбулбул ўғли В.И.Лениннинг образини яратишга интилиб, унинг халқ бахт-саодати йўлида қилган хизматларини ёритишга муваффақ бўлганини қайд қилади.

Ўқитувчи дарсни якунлагач, асарнинг бирор белгиланган қисмини ёд олишни таъкидлаб, келгуси дарсга асарнинг тили ва бадиий хусусиятларини аниқлаб, суҳбатга аниқ масоллар билан тайёрланиб келишни уйга вазифа қилиб топширади.

"ЎРТОҚ ЛЕНИН" АСАРИНИНГ ТИЛИ ВА БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

(3-соат дарс материали).

Учинчи соат дарс машғулоти қуйидаги план асосида ўқитирилади:

1. Асарнинг бадиий содда ва халқ тилида яратилиши.
2. Шоирнинг халқ мақоллари ва ибораларидан фойдаланиш маҳорати.

3. Асарда бадиий-тасвирий воситаларнинг ишлатилиши.

4. Асарнинг ижтимоий-сиёсий, тарбиявий аҳамияти.

Ушбу план асосида олиб бориладиган машғулот ўқитувчининг ўзи сўзлаб бериш - ҳикоя қилиш усулида ўтказилади. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг асосий диққат-эътибори шоирнинг воқеа ва образлар тасвиридаги поэтик маҳоратига жалб этиб борилади. Ўқитувчининг лекцияси қуйидаги мазмунда бўлади:

Достон ва достончилик талабларини яхши билган ҳамда ўз ижодага ниҳоятда талабчанлик билан қараган Эргаш шоирнинг "Ўртоқ Ленин" асари содда, оддий ва халқ тилида яратилган дейиш мумкин. Биз достонда бирорта тушуниши қийин бўлган сўз ва ибораларни учратмаймиз. Асарни бадиий тил даражасида қайта нашрга тайёрлашда ҳам фольклорист олимлар ноўрин ўзгартиришларга ва асоссиз таҳрирларга йўл қўймаган. Вазн талабига мувофиқ берилган айрим шевачилик элементлари ҳам кўпчилик китобхонларга тушунарли берилган. Жумладан, шоир ўтмишда эксплуататор синф вакиллари - бой ва амалдорларнинг меҳнаткаш халққа нисбатан қилган зулмини реал тасвирлаб беради:

Бир хилини қўй боқтириб-чўпон қип,

У бечора дала, даштда ватан қип.

Минг қўйини болалатиб ол келса,

"Эгиз туққан қўзилари қани?"-деп.

Шоирнинг бу мисраларидаги "қип", "оп", "деп" каби сўзлар қофия талабига мос бўлиб, кўпчилик халққа тушунарлидир. Асарда шевачиликка хос бўлган "ўлай", "булай", "осака", "несин" каби ~~шарҳлар~~ Эргаш шоирнинг бошқа анъанавий

дostonлари тили сингари "Ўртоқ Ленин" асарининг тили ҳам қип-
чоқ группасига мансуб шева тилида яратилган, лекин ўзбек адабий
тили даражасига кўтарила олмаган.

"Ўртоқ Ленин" асарида диалектизмнинг кучли бўлишига асосий
сабаб – шоирнинг ўзи шевасининг бир вакили бўлганлиги билан
изоҳлаш мумкин. Шоир ўзининг индивидуал ижодининг бир сарчаси –
маси – "Ўртоқ Ленин" асарини яратишда, унга поэтик жиҳатдан
хило бериш жараёнида халқ орасида машхур анъанавий – традицион
дostonларнинг илғор анъаналари ва бой ижодий тахрисаларидан
ўринли фойдаланган. Биргина мисол: қуйидаги тўртликка аътибор
қилайлик:

Шундай қаттиқ кунлар тушиб босишга
Фалак титраб йўқларнинг нолишига.
Золим бойлар мазақ қилиб куларди,
Раҳим келмай муҳтожларнинг ёшига.

Бу сатрларнинг кўпчилигини шоирнинг ўтмишда халқ ўртасида
куйлаб келган анъанавий халқ дostonларида учратиш мумкин. Улар
анъанавий формула шаклига кирган ва дoston куйлаганда дoston-
чилар томонидан у ёки бу қаҳрамон тилидан ўз ўрнида ишлатилиб
юрган сатрлардир. Анъанавий формулалар ва тайёр мисралардан ўз
ўрнида фойдаланиш дostonчиликнинг муҳим ижодий анъаналаридан
биридир. Эргаш шоирнинг поэтик маҳорати ҳам ана шундай ижодий
анъаналарни изчиллик билан давом эттириши, тайёр мисралардан
механик равишда эмас, балки ижодий фойдаланиш олиши, у мисралар
қаторига ўзининг янги-янги мисраларини қўшиб, асар руҳига мос
янги ғояларни ифодалашга хизмат қилдира олишидир. Эргаш шоир-
нинг "Ўртоқ Ленин" асарини диққат билан ўқиб чиқилса, тайёр
қолипдаги анъанавий формулалар – мисралардан маълум даражада
узоқлашиш кўзга ташланиб туради. Шоирнинг маҳорати шундаки,

лига социалистик мазмунни дostonга мувофиқ усулда беришга эриша олган. Бунинг учун ўзининг бутун ижодий маҳоратини ишга солган.

Эргаш шоир асар қаҳрамонларининг характерини очибди, кундалик ҳаётда рўй берган реал воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини кўрсатишда халқ мақолларидан ва ҳикматли сўзлардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланади. Масалан, шоир ўтмишдаги қарама-қаршиликларни яққол кўрсатиш, эски тузумнинг ярамаслигини фoш этиш учун:

Оқ ит билан қора ит-бари бир ит,

Ўз қайғини суриб султонлар ўтди.

деган халқ ибораларини ишлатадики, бу асарда тасвир этилган реал воқеаларнинг тенгсизлигини, жамиятда эксплуатация ва разолат низоида авж олганлигини кўрсатади. Эргаш шоирнинг сўз санъаткори эканлиги яна шу моментда кўринадики, у халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари орқали асарда иштирок этган ҳар бир персонажнинг қайси социал гуруҳга мансублигини, уларнинг дунёқарашини реал очиб беришга ҳаракат қилади. Жумладан, шоир камбағал бева-бечораларнинг ўтмишда қудда оғир ва ачинарли ҳаётини уларнинг ўзлари кундалик ҳаётда ишлатиб юрган "калта ип бойловга етмас" каби халқ мақоли воситасида очиб беради:

Қайтсин, йўқ, олмаса куни ўтмайди,

Калта ип бойловга сира етмайди.

Шоирнинг санъаткорлиги шундаки, халқимиз орасида машҳур бўлган халқ мақолларини қайта ишлаб, ўз асарининг поэтик мазмунига усталик билан сингдириб юборган. Бу ҳолатни биз асарнинг бошқа ўринларида ҳам кўришимиз мумкин.

Талантли халқ шоири Эргаш Ҳуманбулбул ўғлининг "Ўрток денин" асарида ўхшатиш, сифатлаш, эпитет ва муболағалар ҳаётий образларнинг характерига мос равишда ишлатилган. Шоир халқ орасида машҳур бўлган ўхшатишлардан ижодий фойдаланар экан, асар-

даги мавжуд образларнинг у ёки бу фаолияти янада ойдинроқ қилиб ифодалаб беради. Масалан, шоир асарда эксплуатацияга асосланган ўша даврдаги меҳнаткаш халқнинг аҳволини

Мана шундай эди йўқларнинг ҳоли,
Ҳазон бўлиб, сўлган эди, жамоли,
Кеча-кундуз золим, қонхўр зулмидан,
Вой демакка келмас эди мажоли.

каби мисралар орқали ҳаққоний тасвирлаб, халқнинг юзини традицион дostonларида кўп учрайдиган "ҳазон бўлиб сўлган" гулга ўхшатади. Шоир томонидан ишлатилган бу ўхшатиш ўз даври учун ниҳоятда характерли бўлиб, эксплуатацияга асосланган ўтмишдаги ҳуимрон синфий жамиятнинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олади. Ана шундай реакцион жамиятни ўз кўзи билан кўрган доҳий В.И.Лениннинг ҳақиқий образини чизишда традицион dostonлардаги ўхшатишлар топиб ишлатади. Масалан, халқ традицион dostonларида эпик қаҳрамоннинг ўқиб билимли бўлишини "булбули гўёга" ёки "булбулнинг сайрашига" ўхшатиш одат тусига кириб қолган. Эргаш шоир ҳам В.И. Лениннинг или-фанни эгаллаб, сўзамол донишманд бўлиб етишганини кўрсатиш учун шу традицияга амал қилганлигининг ўзиёқ ^{ҳалқ}факримизга гувоҳлик бера олади. Бундан ташқари, шоир меҳнаткаш аҳволини тасвирлашда қашшоқ-бечора, мухтож, дунёсиз, оч-орик, бойларнинг характерини очиб беришда золим, шафқатсиз, инсофсиз каби сифатлашларни ҳам қўллаган. Бу фактларнинг ўзиёқ, шоирнинг ҳар бир сўздан ва шу сўз орқали ифода этган кичик бир деталдан ҳам катта сиёсий ҳамда социал ҳулосалар чиқаришга ҳаракат қилганлигидан далилат беради.

Эргаш шоир ўз асарида кундалик турмушдаги реал воқеа-ҳодисаларни ифодалашда энг муҳим сўзаларни мисралар охирига қўйиб, унга мос қофия ва радифлар топади: Масалан: "омиди", "гўшиги" ва

"кашини" сўзлари бир-бирига тўлиқ оҳангдош бўлган, шеър техникасига кўра қофия ҳосил қилинган қуйидаги тўртликка эътибор берайлик:

Сўкиб айтар: "Обор, итнинг ошини!

Далада кўп ебди, кўйнинг гўштини,

Менинг кўйим кўпи эгиз туғади",

Деб йиғдирар хушомадгўй кишини.

Бой хушомадгўйларининг чўпонга нисбатан айтган сўзларида чиройли ишлатилган қуйидаги радифларни ҳам учратамиз:

Хушомад қиб улар айтар: "Рост,- дейди,

Бойнинг кўйи бу йил семизмас",- дейди.

"Бойнинг кўйи кўпи эгиз туғади,

Шу чўпонга ит оши ҳам бас!",- дейди.

Юқоридаги мисраларда "рост", "мас" ва "бас" сўзлари бир-бирига тўлиқ оҳангдош бўлиб қофия ҳосил қилган, такрорланиб келган "дейди" сўзи радифдир.

Умуман Эргаш Жуманбулбул ўғли "Ўртоқ Ленин" асарини яратганда унинг бадиий, кенг халқ оmmasига тушунарли бўлишига катта эътибор берган. Бу асар Октябрь революциясидан олдин ҳукмронлик қилган феодаллар жамиятининг кирдикорларини, меҳнаткаш халқни улар зулмидан қутқаришда В.И.Ленин кўрсатган фаолиятни англаб олишда, ўқувчиларда эзувчиларга, ҳозирги замон империализмига нисбатан нафрат ҳиссини ўстиришда, уларни В.И.Ленин гоёларига, Коммунистик партияга, социалистик жамиятимизга садоқатли қилиб тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Ўқитувчи "Ўртоқ Ленин" асарининг тили ва бадиий хусусиятлари ҳақида юқоридагича берган тушунчаси охирида ўқувчиларга қуйидаги саволларни беради:

I. Асарнинг бадиий содда ва халқ тилида яратилганлигини

импир гувоҳлик бера олади?

2. Асарда бевосита ишлатилган бадий тасвирий воситаларга мисоллар келтиринг ва изоҳланг?

3. Эргаш шоирнинг поэтик маҳорати ҳақида сўзланг?

4. Шоир асарда халқ мақоллари ва ҷисораларидан фойдаланганими? Ғикрангизни конккре: мисоллар келтириш орқали исботланг?

5. Асарнинг ижтимоий-сиёсий, тарбиявий аҳамияти ҳақида оўзланг?

6. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг "Ўртоқ Ленин" асарининг ўзбек фольклорида, умуман, ўзбек совет адабиётида тутган ўрни ва роли ҳақида сўз юритинг?

7. Асардан бирор кичик парчани ёддан айтиб бера оласизми?

Ўқитувчи "Ўртоқ Ленин" асарининг тили ва бадий хусусиятлари бўйича I соатлик кўридаги мазмунда ўтказилган ўқув машғулоти сўнгида ўқувчилар жавобини тўлдириб, суҳбатна яқунлайди. Яқунловчи сўзида у Эргаш Жуманбулбул ўғлининг "Ўртоқ Ленин" асари ўзбек фольклори ва адабиётининг шеърий Ленинномаси ривожда муҳим ўрин эгаллаганини айтиди. Шу билан бирга, бу асар СССР халқлари тилларига таржима қилинганини уқтиради. Сўнгра, ўқувчиларга мазкур темадан олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида уйда мустақил иш бажариб келиш учун ёзма ишлар тематикасини аъён қилади.

ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ЎҒЛИНИНГ "ЎРТОҚ ЛЕНИН" АСАРИ БҲЙИЧА

ЎТКАЗИЛАДИГАН ЁЗМА ИШЛАР

Ўқувчиларнинг ғикрлаш қобилиятини ўстириш, уларни мустақил ишлашга ўргатишда ёзма иш ўтказиш - иншо ёздиришнинг аҳамияти бениҳоя катта. "Ўртоқ Ленин" асари назасидан ўқувчиларни иншо ёзишга ўргатиш асарнинг гоёвий мазмунини, бадий хусусиятларини

чуқур ўзлаштириб олишда муҳим роль ўйнайди.

Ишю темалари, тахминан, куйидагилардан иборат бўлади:

1. "Ўртоқ Ленин" асарида В.И.Ленин образи.

2. "Ўртоқ Ленин" асарида эксплуататорларнинг фол этилиши.

3. Эргаш Жуманбулбул ўғли-В.И.Ленин мавзусига мурожаат этган биринчи халқ шоири.

4. В.И.Ленин - меҳнаткашларнинг гамхўри ва революция раҳбари. ("Ўртоқ Ленин" асари асосида).

Ўқитувчи ўқувчиларга ушбу темаларни ёздирар экан, ишю планининг пухта бўлишига эътибор беради, ишюда фикр изчил бўлиши кераклигини, асардан келтирилган мисоллар ўринли ва тўғри бўлиши лозимлигини ўқувчиларга алоҳида уқтиради.

ИДОВАЛАР

ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ УҒЛИНИНГ АВЛОДЛАРИ, ОИЛАСИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА ОИД ХРОНОЛОГИК ҲАЛВАЛ

XVII асрнинг II ярми - XVIII асрнинг I ярми - Эргаш шоирнинг бешинчи отаси Ёдгор бахшининг ҳаёт ва ижод даври.

XVIII аср - Эргаш шоирнинг тўртинчи отаси Уста Лапао Ёдгор ўғли, шунингдек, учинчи отаси Мулла Тош Уста Лапас ўғлининг ҳаёт ва ижод даври.

XVIII асрнинг II-ярми - XIX асрнинг I-ярми - Жуманбулбулнинг моёси Тилла кампир ва отаси Мулла Холмуроднинг ҳаёт ва ижод даври.

XIX аср - Жуманбулбулнинг акалари - Жош Узоқ (Жассон мулла Холмурод ўғли) ва Ёрлақабнинг ҳаёт ва ижод даври.

1818 - Жуманбулбул мулла Холмурод ўғлининг туғилган йили.

1868 - Эргаш Жуманбулбул ўғлининг туғилган йили.

1875-1976.- Эргашнинг қашлоқ мачити ҳузуридаги мактабга борган йили.

1878 - Эргаш шоирнинг укаси Абдухалил туғилган. Шу йили Эргаш Бухорога ўқишга боради.

1880 - Эргашнинг укаси Абдухалил туғилган.

1884-1885 - Эргашнинг Бухоро мадрасасида ўқиган йиллари. Бу вақтда Эргашнинг синглиси Маҳкамой туғилади. Вафоти XX аср бошида.

1885 - Эргаш мулла Утамурод хатибнинг қизи Зийнатойга уйланди. (Зийнатойнинг вафоти XX аср бошида). Шу туфайли мактаб устоди Утамуродда билим соҳасида таҳсилни давом эттирди.

1885-1886 - Эргашнинг синглиси Зумрадой туғилган. Вафоти XX аср бошида.

1886 - Эргашнинг отаси - Жуманбулбул мулла Холмурод ўгли вафот этди.

1887 йил ёз ойлари - Эргаш ўз қайнатаси мулла Ғтамурод хатибнинг деҳқонлар ҳимматига яраша ҳосилдан берадиган кафсанларини йиғишга вакил бўлди.

1887-1889 йил, ёз ойлари - Эргаш Бухоро амирлиги, Нурота беклигининг амлоқдорларидан бири Қўзибекка (Жўш ва унга қарашли қишлоқларда аҳолининг деҳқончилик ва чорвачилик миқдорини ҳисобга олиш вазифасида) мирва (котиб) бўлиб яшлади.

1891 - Эргашнинг қизи Зарбуви туғилган. Вафоти - 1929 йил.

1898 - Эргашнинг укаси Абдухалил вафот этди.

1885-1917 - Эргаш ўз қишлоғида деҳқончилик ва дostonчилик билан машҳур бўлди, кўп йиллари қишлоқма-қишлоқ дарбадарликда ўтди.

1917-1918 - "Шуро", "Қизил", "Октябрь" термаларини бади.

1918-1922 - Бухоро амирлиги чегарасидан Туркистон Совет ҳокимияти территориясига ўтиб, Зарафшон ва Самарқанд округларининг шаҳар ва қишлоқларида кезиб юрди, дostonчилик билан шуғулланди.

1924-1925 - Жўш қишлоқ шўросига қарашли Қорақиса қишлоғида қишлоқ болаларини ўқитиш учун бир хонали мактаб очди.

1925 йил, куз - Ўзбекистон ССР Халқ Маориф Комиссариати Илмий маркази Ўзбекларни ўрганиш комитетининг ташаббуси билан Самарқандга келтирилди.

1926 йил - Халқ дostonчилари Муҳаммадқул Жонмурод ўгли Пулкан ва Жасоқ шоирнинг ўғли Молғош бахшиларни қишлоқдан Самарқандга - Ўзбекларни ўрганиш комитетига олиб келди.

1926 йил, ёз - Самарқанд область, Булунғур район, Қирқ-юда қишлоғида Пулкан шоир билан биргаликда дostonларни ёзиб

қолдиришга киришди. "Қундуз билан Юлдуз" достони ёзилди. Шу
йилдан 1928 йилгача Қирқиюда машҳур Ўзбек шоирлари - Эргаш
Ўмашбулбул ўғли, Ғозил Ўлдош ўғли, Муҳаммадкул Жонмурод ўғли
шукииларнинг қароргоҳларидан бири, фольклор асарларини тўплаш-
даги фаолиятнинг қишлоқдаги муҳим пунктлардан бири бўлди.

1927 йил, ноябрь - декабрь - Эргаш ўзининг "Таржимаи ҳол"
асарини ёзди.

1926-1928 - Ўзбекларни ўрганиш комитетининг тавсияси билан
халқ достонлари, хусусан, ўзи билган достонларни ёзиб қолдириш-
га актив қатнашди.

1928 - Эргаш шоирдан "Ўртоқ Ленин" ва "Равшанхон" достон-
лари ёзиб олинди. Машҳур актриса Турсунойнинг ғожиали ҳалокати
муносабати билан марҳумага атаб "Турсуной" термаларини ёзди.

1925-1929 йиллар - Эргаш шоирдан "Алибек ва Болибек"; "Дал-
ли", "Қунтуғмуш", "Якка Аҳмад", "Қизжибек", "Ҳолдорхон", достон-
лари, "Раҳбарларга", "Алла", "Армоним қолмади", "Ғози Олим", "Бир
ҳафта бўлди ёмғир", "Асов қиз", "Ўртоқ Ленинга офарин", "Октябрь",
"Охунбобоев", "Эшон", "Қизил", "Қунларим", "Турсуной" термалари
ёзиб олинди.

1929 - 1936 - Эргаш шоир ўз қишлоғида асосан деҳқончилик
ишлари билан машҳур бўлди.

1936 йил, куз - профессор Ҳ.Зариф қўрғонга махсус бориб,
шоирни Тошкентга олиб келди.

1936 йил охири - 1937 йил бошлари - Эргаш шоирдан "Қуш
келди", "Ойсулув" достонлари, "Келдим", "Булбул", "Ҳайкал тава-
суроти", "Шоирларга раҳбар", "Тошкент таърифида", "Милтиқбой",
"Армонинг қолмасин", "Тўрўғли", "Тўрўғлибек зўр ботир" терма-
ларини ёзиб олинди.

1937 йил апрель охирлари - Эргаш касал ҳолатда Тошкентдан Қўрғон қишлоққа Қувондиқ бахшанинг ўғли Синдорнинг уйига келди. Май ойи бошларида унинг ўз ялтимоси билан қўштамғали қишлоғига - куёви Турдимнинг уйига олаб борилди.

1937 йил 12 май - Эргаш Жуманбулбул ўғли қизи - марҳума Зарбувининг уйида, невараси, Абдуганининг ҳузурида вафот этди. Қабри Қўрғоннинг ғарбида Пастки қўштамғали қабристонда.

ҚОЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДІГАН АДАБИЁТЛАР

Абдурахмонов А. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг "Ўртоқ Ленин" достони тексти устида яшаш. "Совет мактаби", 1965, № 4.

Абдурахмонов А. Достоннинг бадий ҳуоусиятлари. "Ўқитувчилар газетаси", 1967, 20 апрель.

Адабиёт назарияси. II-томлик. II-том, Тошкент, 1979.

Афзалов М.И. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ўзбек фольклоридан материаллар, Тошкент, 1951.

Афзалов М.И. Ўзбек халқ оғзаки ижодида Ленин образи, "Ёш ленинчи", 1960, 16 апрель.

Ашрапова Т., Ҳотамов Н. Учинчи синфда ўқиб дарслари, Тошкент, 1977.

Жуманазаров У. Достонми ё тарихий қўшиқ? "Ўзбек тили ва адабиёт", 1982, № 3.

Жўраев Ё., Муродов М. "Ўртоқ Ленин" достони ҳақида, "Ёш ленинчи", 1959, 25 апрель.

Жўраев Ё. Ўзбек халқ оғзаки ижодида В.И. Ленин образи, Тошкент, 1979.

Зарифов Ҳ.Т. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ўзбек фольклори, Тошкент, 1939.

Зарифов Ҳ.Т. Эргаш Жуманбулбул ўғли - атоқли Ўзбек халқ

шоира. УшШУ Шайлар академиясининг ахбороти, Тошкент, 1947,

№ 4.

Зарифов Ҳ.Т. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ўзбек халқ шоирларининг совет давридаги ижоди. Тошкент, 1958.

Зарифов Ҳ.Т. Халқ - битмас - туганмас ижод манбаи, "Фан ва тўғиш", 1959, № 3.

Зарифов Ҳ.Т. Эргаш Жуманбулбул ўғли, "Ўзбек тили ва адабиёти масалалари", 1959, № 3.

Зарифов Ҳ.Т. Улмас даҳо. "Шарқ Юлдузи", 1960, № 12.

Зарифов Ҳ.Т. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг номаълум термалари, "Ўзбек тили ва адабиёти", 1968, № 6.

Зарифов Ҳ.Т. Эргаш шоирнинг тахнисоли тўртликлари, "Ўзбек тили ва адабиёти", 1969, № 1.

Каримова З. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Тошкент, "Шарқ Юлдузи", 1951.

Каримова З. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Тошкент, 1954.

Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. Тошкент, 1979.

Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида В.И.Ленин образи. Тошкент, 1957.

Раззоқов Ҳ, Мирзаев Т, О.Собиров, К.Имомов "Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди", Тошкент, 1980.

Сайдов М., Муродов М. Ленин халқ тароналарида, Адабиётимизнинг ярим асри, тўплами, Тошкент, 1967.

Сайдов М. Ўзбек дostonларида бадий маҳорат, Тошкент, 1969.

Салоҳиддинов У. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, "Совет мактаби", 1969, № 4.

Саримсоқов Б. Халқ дostonларининг тасниф ва оралиқ шайлар масаласи, "Ўзбек тили ва адабиёти" - 1981, № 3.

Сувонқулов И. 9-синфда Эргаш Жуманбулбул ҳаёти ва ижодини ўрганиш, Тошкент, 1984.

Эргаш Жуманбулбул ўгли. Булбул тароналари, У-томлик, Тошкент, 1971-1973.

Эргаш Жуманбулбул ўгли. "Ўртоқ Ленин", Тошкент, 1979.

Эргаш Джуманбульбул оғли. Песни Булбуля. I-II-том, Ташкент, 1974, 1977.

Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. Тошкент, 1971.

Қобулнийёзов Ж. "Ўртоқ Ленин" дostonи, Совет даврида ўзбек халқ поэтик ижоди, Тошкент, 1959.

Қобулнийёзов Ж. Ўзбек совет фольклорининг ривожланиш йуллари. Тошкент - 1969.

Қаҳҳоров А. Дoston жанри ҳақида, "Ўзбек тили ва адабиёти", 1981, № 6.

Ҳайдаров С. Ўзбек халқ оғзаки бadiий ижодида В.И. Ленин образи, Тошкент, 1969.

МУНДARIЖА

Тузувчилардан	3
III-синфда "Ўртоқ Ленин" асарини ўрганиш	5
IX-синфда Эргаш Жуманбулбул ўглининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш	9
"Ўртоқ Ленин" асарини ўрганиш	17
"Ўртоқ Ленин" асарининг тили ва бadiий хусусиятларини ўрганиш	27
"Ўртоқ Ленин" асари бўйича утказиладиган ёзма ишлар	33
Иловалар	35
Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар	38